

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



Самарқанд Давлат
университети ректори
Р.И.Халмурадов

2021 йил _____

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ ИНСОН
РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

НИЗОМИ

САМАРҚАНД - 2021

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Низом Самарқанд давлат университети қошидаги Инсон ресурсларини бошқариш илмий-тадқиқот маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

1.2. Марказ Самарқанд давлат университети (кейинги ўринларда Университет деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

1.3. Марказ бевосита Университетга бўйсунади. Университет Марказ фаолиятига раҳбарлик қиласди.

1.4. Марказ мустақил юридик шахс эмас, у ўзининг мустақил балансига, банк муассасаларида ҳисоб ва валюта рақамларига, ўз белгиси туширилган мухр ва тамғага эга эмас. Самарқанд давлат университети балансида фаолият юритади.

1.5. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, бошқа қонун хужжатларига, шунингдек, Университет қарорларига амал қиласди.

1.6. Марказ ўз фаолиятини Университет топшириклари ва буюртмалари, вазирликлар, идоралар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг буюртманомалари асосида амалга оширади.

1.7. Марказнинг расмий номи:

давлат тилида – **Самарқанд давлат университети қошидаги Инсон ресурсларини бошқариш илмий-тадқиқот маркази**, қисқача: **ИРБ Маркази**;

инглиз тилида – **Research Center for the Management of human resources at Samarkand State University**, қисқача: **MHR Center**;

рус тилида – **Научно-исследовательский центр Управление человеческими ресурсами при Самаркандском государственном университете**, қисқача: **Центр УЧР**.

8. Марказ Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-йда жойлашган, Почта индекси: 140104.

II. МАРКАЗНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Қуйидагилар Марказнинг асосий мақсади ҳисобланади:

Инсон ресурсларини бошқариш тизимини битирувчиларни ўз мутахассисликлари бўйича бандлигини таъминлашга янгича ёндашув, замонавий таълим дастурларини яратиш, шунингдек бошқарув, инсон ресурсларини бошқариш, кадрлар салоҳиятини оширишнинг методологик ва амалий асосларини ўрганиш, инновацион илмий тадқиқотларга оид

фаолиятни такомиллаштириш, инсон ресурсларини самарали бошқаришнинг замонавий тизимлари асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва улар билан ишлаш механизмларини янада такомиллаштириш, янги авлод кадрларини мақсадли тайёрлаш, меҳнат бозоридаги ўзгариб бораётган ташки ва ички конъюнктурага мос равишда кадрлар салоҳиятини доимий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, меҳнат бозорида ижтимоий ҳамкорлик механизмини шакллантириш, талабаларнинг мақсадли амалиёт ва стажировка режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ўқув юртларига қабул қилинаётган талабаларга меҳнат бозоридаги талабни ўрганиш, мутахассис-кадрларга иқтисодиёт тармоқларидағи талабни истиқболлаштириш бўйича тадқиқот ишларини олиб бориш.

2.2. Қуидагилар Марказнинг асосий вазифалари хисобланади:

Инсон ресурсларини бошқаришнинг назарий, услубий ва амалий асосларини ўрганиш жараёнида тажрибали, етук олимлар ва профессионал фидойи ёш тадқиқотчилар ҳамкорлигига дунёнинг энг илғор илмий марказлари усуллари асосида илмий тадқиқотларни йўлга қуиши;

университет учун тадқиқот обьекти доирасида замон талабларидаги дарслик, ўқув қўлланма, монография, рисолалар яратиш;

илмий тадқиқот ишларидан олинган янгиликларни патентлаш, уларни Университет мустақил ўқув жараёнига тадбиқ қилиш, таклифлар киритиш ва лозим топилса чет эл илмий-ўқув марказларига сотиш;

инсон ресурсларини бошқариш билан боғлиқ дастурларни ишлаб чиқиш;

чет эл университет, таълим ва илмий марказларининг етакчи олимлар иштирокида инсон ресурсларини бошқариш йўналишида илмий алоқалар ва тадқиқот ишларини амалга ошириш;

инсон ресурсларини бошқариш бўйича янги фанлараро таълим дастурларини ишлаб чиқиш;

инсон ресурсларини бошқариш йўналишида материалларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;

инсон ресурсларини бошқариш бўйича республика ва халқаро грантларда иштирок этиш;

хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда стажировкадан ўтиш, маҳорат дарслари, ихтисослаштирилган таълим дастурларини ташкил этиш, тегишли сертификатлар бериш;

инсон капитали ва ижтимоий ривожланиш йўналишларида назарий ва амалий жиҳатдан асосланган тадқиқотларни, хорижий тажрибаларни, ушбу соҳада чоп этилган янги адабиётлар обзорини ёритиб бориш;

Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида инсон ресурсларини бошқариш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар, шу жумладан, нодавлат ташкилотлар билан мутахассисларни айирбошлишни ташкил этиш;

илмий-тадқиқот ва лойиҳа ишларини олиб бориш, шу жумладан, Марказни ривожлантиришнинг илмий концепция ва дастурларини ишлаб чиқиш.

Марказ қонун хужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

III. МАРКАЗНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Марказ ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуидаги ҳуқуқларга эга:

Марказга шартнома асосида (шу жумладан, соатбай ҳақ тўлаш асосида) ўқитувчи ва амалиёт ходимлари (экспертлар)ни жалб этиш;

Университетдан ажратилган маблағлар ҳамда грантлар ҳисобидан белгиланган тартибда зарур жиҳоз ва анжомларни сотиб олиш;

олдинга қўйилган мақсадлар ва вазифалар бажарилишини таъминлаш бўйича ҳамда хорижий ҳамкорлар билан шартномалар тузиш;

шартнома асосида асосий фаолият йўналиши бўйича маслаҳатлар бериш, бошқа хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш;

Марказ фаолиятини амалга ошириш жараёнида яратилган интеллектуал мулкни бошқариш;

инсон ресурсларини бошқариш билан боғлиқ ҳар хил масалалар бўйича белгиланган тартибда ташаббус кўрсатиш;

халқаро ва хорижий ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан ўз ваколатлари доирасида ҳамкорлик қилиш;

ўз фаолияти тўғрисидаги материалларни оммавий ахборот воситаларида, расмий веб-сайт, шунингдек Интернет тармоғида жойлаштириш;

ўз ваколатлари доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган шу каби тадбирларда қатнашиш;

Марказ ваколатига кирадиган масалалар бўйича халқаро ҳамкорликни Университет билан келишган ҳолда амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

Марказ қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.2. Марказ:

ушбу Низомда белгиланган асосий вазифалар ва функциялар бажарилишини таъминлашга;

ўз фаолияти тўғрисида Университет ректорига ҳисбот беришга мажбурдир.

Марказ қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

IV. МАРКАЗ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

4.1. Марказга Университет ректори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор (кейинги ўринларда директор деб аталади) раҳбарлик қиласи.

Директор барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида, шунингдек, хорижий мамлакатларда Марказнинг номидан иштирок этади.

4.2. Директор Университет ректори билан келишган ҳолда Марказ директори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бир нафар ўринбосарга эга бўлади.

Директор ўз фаолиятида Университет ректорига бўйсунади ва Марказ фаолияти тўгрисида унга ҳар чоракда ҳисобот беради.

V. ДИРЕКТОРНИНГ АСОСИЙ ФУНКЦИОНАЛ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Директор:

Марказ фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

бошқарув ходимлари сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Марказнинг штат жадвалини тасдиқлайди;

Марказ ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

ҳар йили 25 декабря қадар Университетнинг ректори билан келишган ҳолда келгуси йилга Марказ тадбирлари календарь режасини, тадқиқотларнинг мавзули режаларини шакллантиради ва тасдиқлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ Марказ ходимларига ажратилган маблағлар доирасида қўшимча пул, мукофот ва бошқа пулларни тўлаш тартиби ва шартларини белгилайди;

Марказга юкланган вазифалар учун шахсан жавоб беради;

Марказ фаолиятига таалуқли масалалар бўйича тезкор мажлислар ўтказади;

Марказ ходимларини интизомий жазога тортиш ва рағбатлантириш масалаларини ҳал қилади;

ўз ўринбосари ва Марказнинг бошқа мансабдор шахсларининг ваколатларини белгилайди, улар ўртасида мажбуриятларни тақсимлайди, Марказнинг алоҳида соҳаларига раҳбарлик қилиши борасида ўз ўринбосари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсан жавобгарлиги даражасини белгилайди;

Марказ томонидан илмий-услубий ишларни амалга оширишнинг тегишли даражасини таъминлайди;

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, хорижий шахслар билан шартномалар тузади;

Марказ фаолиятини таъминлаш учун бошқа масалаларни белгиланган тартибда ҳал этади;

қонун ҳужжатларига ва ушбу Низомга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

VI. МАРКАЗНИНГ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ

6.1. Марказ халқаро ҳамкорлик қилиш, хорижий шериклар билан шартномалар тузиш, муайян халқаро ташкилотлар билан белгиланган тартибда ўзаро манфаатли асосда илмий ахборотлар алмасишиш ишларини

йўлга қўяди шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро алоқаларни амалга оширади.

Марказ тингловчилар учун ўқув жараёнининг муайян қисмини ва профессор-ўқитувчиларнинг малака ошириши ва тажриба орттиришини етакчи хорижий илмий ва ўқув марказларида, фирмаларда ва халқаро ташкилотларда ташкил этиши мумкин.

6.2. Марказда чет эл фуқароларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, Марказ профессор-ўқитувчилари ва тингловчиларининг хорижий давлатлардаги ўқув ва илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиши ҳамда тажриба орттириши халқаро шартномалар, давлат органлари ўртасида тузилган битимлар асосида амалга оширилади.

VII. МАРКАЗ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ, МУЛКИНИ ТАСАРРУФ ЭТИШ, ХОДИМЛАРИНИ МОДДИЙ РАГБАТЛАНТИРИШ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Қуйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Университет Кенгаши томонидан белгиланган ҳажмдаги Марказни сақлаш ва унга юкланган вазифаларни амалга ошириш мақсадлари учун ажратилган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича ажратиладиган грантлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайриялари;

халқаро молиявий институтлар ва хорижий ташкилотларнинг грантлари ва кредитлари;

асосий фаолият бўйича ишларни бажаришдан (хизматлар кўрсатишдан) тушган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

7.2. Марказ мулкини асосий фондлар (ускуналар, транспорт воситалари ва бошқалар), айланма воситалар, шунингдек, молиявий ресурслар ва барча молиялаштириш манбалари ҳисобига сотиб олинадиган бошқа моддий бойликлар ташкил этади.

Марказ мулкининг қиймати Университет балансида акс эттирилади.

7.3. Марказ ўзига бириктирилган мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш хукуқини белгиланган тартибда амалга оширади.

7.4. Барча тадқиқот материаллари, шунингдек, тузилган шартномаларга мувофиқ Марказ буюртмасига биноан бошқа ташкилотлар томонидан бажарилган тадқиқотлар Марказ фаолиятининг интеллектуал мулки обьектлари ҳисобланади.

7.5. Хўжалик, илмий-техник фаолиятдан тушган даромадлар, шунингдек, хайрия, ҳомийлик маблағлари ва беғараз тушумлар ҳисобига сотиб олинган мулк ва воситалар Марказ мулки ҳисобланади.

7.6. Марказ директори Марказнинг ўз маблағлари ҳисобидан:
хизмат вазифалари ташаббус кўрсатиб ва вижданан бажарилишини рағбатлантириш мақсадида юқори малакали ходимларга лавозим маошининг 50 фойзгача миқдорда ойлик устамалар белгилаш;

Марказнинг ўз вазифаларини вижданан бажарувчи ходимларини лавозим маошининг 50 фойзи миқдоригача ҳар чоракда мукофотлаш;

Марказ ходимларига бир ойлик ҳақ тўлаш фонди миқдоригача бир йўла моддий ёрдам бериш;

Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси билан белгиланган байрам кунлари муносабати билан Марказ ходимларини ҳар бир байрам учун бир лавозим маоши миқдорида мукофотлаш;

ҳар ойда овқатланиш ва йўлкира учун базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баравари миқдорида ҳақ тўланишини белгилаш хуқуқига эгадир.

Марказ ходимларини моддий рағбатлантиришга маблағлар етишмаслиги Университет Кенгашининг қарори бўйича Университет маблағлари ҳисобига қопланади.

VIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

8.1. Университет Марказга юкландган вазифалар самарали бажарилиши юзасидан доимий равишда Марказ фаолияти мониторингини олиб боради.

8.2. Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тутатилади.

8.3. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz),

2021 йил _____ январь